

(?-1686-йил)
(1663-1687)

Хива хони, Шайбонийлардан. Абулгози Баходирхоннинг ўгли. Бухоро хони Абдулазизга қарши жанг (1657-йил)да қахрамонлик кўрсатиб, жанг тақдирини хиваликлар фойдасига ҳал қилган ва отасини ўлимдан сақлаб қолган. Унинг қўшинини Бухорога етиб бориб, Самарқандни эгаллади. 1685-йилда Гиждувон яқинидаги жангда Хива қўшинлари тор-мор этилди. Бунинг учун отаси Анушахонга туг, лашкар ва Хозарасп шаҳрини инъом этган ва Хивада унинг номига катта ҳаммом қурдирган. Анушахон тахтга ўтиргач, хонлик чегараларини мустаҳкамлаш учун Янги Кот, Шохобод қалъаларини қурдирган. Сўнг, 1686-йил Бухоро хонлигига юриш қилиб, Гиждувон, Хазора, Самарқанд, Қарши ва Шаҳрисабзни эгаллаган. Анушахон даврида Бухоро-Хива муносабатлари янада кескинлашди. Анушахон Бухорони хонавайрон қилган бир неча марта ҳарбий юриш уюштирган. Унинг қўшини ҳатто Бухорога етиб борган. Самарқандни эгаллаган. У Самарқанд вилояти ҳокими Ҳожақулибий ўтарчи билан биргаликда Бухоро хони Субҳонқулихонга қарши уруш бошлаган.

1686-йили Субҳонқулихон Анушахонхонга қарши фитна уюштирди. Анушахон 1687-йил тахтдан туширилиб, қўзига мил тортилади. Анушахон даврида Қорақалпоғистондаги Султон Байс бобо ва Хивадаги Пахлавон Маҳмуд макбаралари, Ок масжид таъмирланган, “Шажарайи турк” асари охирига етказилган. Анушахон Хивадаги Пахлавон Маҳмуд макбарасига дафн этилган.